



Тасдиқлайман

“Yoshlar” ijodiy birlashmasi” АЖ  
директор ўринбосари в.б.

Э.Тўлаганов

2025 йил “ 18 ” - март

### “Yoshlar” ijodiy birlashmasi” АЖ йиғилиш баёни

Тошкент шаҳри

№ 23

2025 йил “ 18 ” - март

**Раислик қилувчи:** **Е.Тўлаганов** – “Yoshlar” ijodiy birlashmasi” АЖ  
директор ўринбосари в.б.

**Иштирок этганлар:** Ж.Ботиралиев, Ғ.Қурбонов, С.Хайриев, А.Каримбаев,  
А.Закруллаев, М.Ортиқов.

#### Кун тартиби:

“Yoshlar” ijodiy birlashmasi” акциядорлик жамиятида  
Коррупцияга қарши курашиш юзасидан

(Е.Тўлаганов, Ж.Ботиралиев, С.Хайриев, Ғ.Қурбонов, .... Э.Тўлаганов)

Йиғилиш раиси Э.Тўлаганов кун тартибига киритилган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида эътибор бериб ўтган масалалар юзасидан маълумот берди. Юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, умуман медиа йўналишида ҳам салбий иллатларни олдини олиш бўйича зарурий чоралар кўрилиши, ходимларни хабардор қилиш масаласига тўхталди.

– Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришамиз. Шу боис маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тадбиркорлар, таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар – умуман бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараши керак, - Давлатимиз раҳбари нутқидан иқтибосни айтиб ўтди.

Ж.Ботиралиев сўзга чиқиб коррупцияга қарши кураш мунтазам ўзгариш ва янгилашларни талаб қилишини таъкидлаб ўтди. Шу боис, олдимизда иллатдан халос бўлиш учун бир қатор муҳим вазифалар турганлиги, хусусан, ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлиги ва онгини ривожлантириш, ҳалоллик, поклик, тўғрилиқ (яхши ва ёмоннинг фарқига бориш) кўникмаларини сингдириш орқали коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш шулар жумласиданлигини айтди.

С.Хайриев ўз сўзида энг муҳими, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган очик тизим, очик муҳит яратилгани ҳақида таъкидлади. Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортиб бораётгани асос бўлишини таъкидлади. Шунингдек, ёш ижодкорларни доимий ҳалол ишлашга чорлаб туришини айтиб ўтди.

Ғ.Қурбонов умуман олганда коррупция ҳодисасига сўзнинг кенг маъносида ёндашадиган бўлсак, бу шунчаки жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эмас, балки маънавий бузилиш ҳолатидир деди. Шундай экан, ўйлаймизки, мазкур иллатга қарши курашда нафақат давлат органлари, балки, жамият ва умуман барча фуқароларимиз масъулдирлар.

“Ёшлар” ижодий бирлашмаси” акциядорлик жамияти директор ўринбосарлари, телерадиоканал тизимидаги барча бўлим ва бўлинма раҳбарларига:

1. Телерадиоканал ходимларининг ўз устида мунтазам равишда ишлашлари, соҳага, жумладан коррупцияга қарши курашишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни доимий равишда ўрганиб боришлари таъминлансин.
2. Ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини, ички меҳнат тартиб-қоидаларига амал қилиши юзасидан назорат янада кучайтирилсин.
3. Девонхона сектори (М.Якубджанова) мазкур йиғилиш баёни нусъҳаларини ўрнатилган тартибда телерадиоканалнинг барча бўлим ва бўлинма раҳбарларига етказилишини таъминласин.

Баён тузувчи



М.Якубджанова